СУЛТОН УМАРШАЙХНИНГ УЙҒУР ЁЗУВЛИ ЁРЛИҒИ

Қ.П.Содиқов

В статье показана роль уйгурского письма в административном управлении, дипломатических отношениях эпохи тимуридов; дана источниковедское описание одного юридического документа, составленного в 1469 году в Андижане.

In this article is shown the role Uygur of the letter in administrative management, diplomatic relations of epoch Tumurids; is given basic the description of one legal document made in 1469 in Andijan.

Темурийлар даври маданияти, ижтимоий-сиёсий ҳаётида, туркий адабиёт ва адабий тилининг такомили, адабий тил ёзма меъёрлари, ёзма услубларининг муайян қолипга тушуви ва туркий матнчиликнинг ривожида, айниқса, уйғур ёзувининг улуши катта бўлди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк-ислом оламида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам темурийлар эди. Темурбег ўз давлатининг расмий ишларида, ички ҳамда халқаро дипломатик муносабатларда, бадиий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида уйғур хатининг кенг амал қилишига хайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма тил(“чиғатой туркийси”)нинг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юритувчи расмий ёзувига айланди.

Темурийлар ўз ёрлиқларини, расмий ҳужжатларини уйғур хатида ёзганлар. Темурбег ўз ёрлиқларини, қўшни элларнинг ҳукумдорларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айни ёзувда. Темурбегнинг ўлимидан сўнг Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид Мирзо ва унинг ўғли Умаршайх Мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида акс эттирган ёрлиқлардан айримлари кунимизгача сақланиб қолган. Шулардан бири Султон Умаршайхнинг 1469 йили Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғидир [1; 2].

Ёрлиқнинг очиқламаси

Ёрлиқ варақнинг бир юзига битилган. Хати чиройли ва тартибли (ўтмиш санъатшунослигида бундай нафис ёзувни *uz xat* дейилган). Қоғоз бўйига олти, энига икки букланган. Қайта-қайта букланаверганидан, йиртилишига оз қолган. Ҳатто букланган бўғинларининг айримлари терс ёғидан қоғоз билан елимлаб ҳам қўйилган.

Қоғоздаги матн ўн уч қатор. Бошидаги уч қатори, қолганларига қараганда, ичкарирокдан битилган бўлиб, иккинчи ва учинчи қаторларининг олдига доирабичимли муҳр-тамға босилган. Султон Умаршайхнинг ушбу муҳр-тамғаси матннинг ўзида *muhur*, ёрлиқнинг ўзи эса *muhurluğ nišān* дейилган.

Қоғознинг терс юзида еттита муҳр-тамғаси бор. Муҳр-тамғалардаги ёзувлар араб хатида. Улардан бошқа яна шу бетга уйғур хати билан икки жумла ёзиб қўйилибди. Жумлаларнинг биринчиси *Halil dad Barïn baxšï bilä*, қуйироқдагиси эса *roznāma bitildi* деб ўқилади [1;8]. Ушбу қайдлар идоранинг ҳужжат қабул қилувчи ходимига тегишли бўлуви керак.

Қоғознинг сиёҳи яхши қуримай туриб букланган кўринади: ҳужжатнинг айрим сатрлари варақнинг **терс ёғига ҳам юқиб қолган.**

Битигда ёзилишига кўра, Мир Сайид Аҳмад Марғилоннинг улуғларидан (*Marğïnan büzrügläridin*) эди. Султон Умаршайх бундан илгари ҳам унга ҳиммат кўрсатиб, суюрғал берган. Ушбу суюрғалда эса унга қўшимча имтиёзлар берилаётгани таъкидланади.

Ёрлиқ (*muhurluğ nišān*) туркмучал саноғи бўйича сигир йили шаввал ойининг йигирма саккизинчи куни Андижонда битилган. Бу тўғрида ёрлиқнинг сўнгги қаторларида *muhurluğ ni(šā)n uy yïl šavval ayïnïŋ yigirmi sekizi Andigändä bitildi* деб қайд этилган.

Ушбу ёрлиқнинг араб хатида эмас, қадимги туркий ёзувда эканлиги, айниқса, ёрлиқ битилган қоғознинг терс ёғидаги юридик шахслар томонидан ёзиб қўйилган айрим қайдларнинг уйғур хатида экани ўта аҳамиятли. Буларнинг бари темурийлар давлатида ушбу ёзувнинг юридик мавқеи катта бўлганидан далолат беради.

Битигнинг тузилиши

Тузилишига кўра битигни кириш (*начальный протокол*), асосий ва якун қисмига (*конечный протокол*) ажратиш мумкин.

Кириш ўз ичида қуйидаги компонентларга бўлинади:

Биринчиси – *унвон*; иккинчиси – *адресат* (*inscriptio*).

Унвон битигнинг ким томонидан битилаётганини далилловчи ёрлиқ бўлиб, матнда *Sultān Umar šayx bahadur sözüm* шаклида берилган. Ундаги *sultān* – ҳукумдорнинг даражаси, *bahadur* – унинг унвонидир. Ушбу компонентнинг кесими фармон(*söz*)нинг султон Умаршайхга тегишлилигини билдиради.

Адресатда ушбу ҳужжатга давлатнинг қай бир идоралари амал қилмоқликлари кераклиги қайд этилади. Улар девонхона бошлиқлари, тушум йиғувчилар ва солиқ идораларининг бошлиқларидир. Адресат матнда жўналиш келишиги кўринишида берилган: *Divānlarğa, barča Marğinan určïnnïŋ tüšämäl amaldār, sāhib čamlarïğa.*

Битигнинг *асосий қисми*ни мазмун ва қамровига кўра қуйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Мир Сайид Аҳмадга илгари Марғинан қасабасидан бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг хазинага тўланувчи даромади суюрғал қилиб берилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими узоқ ўтган замон (*berilip erdi*) шаклида берилган.

Суюрғал берилаётган, солиқлардан озод этилаётган кимсанинг даражаси (*Marğïnan büzrügläridin*) ва исми-шарифи (*Mir Sayid Ahmad*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда яна қасабадан ўттиз олтин тавачи тартуси - яъни дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдо-сотиқдан олинадиган даромад суюрғал қилиб берилганлиги таъкидланади.

Ҳар икки суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда уларни расмий дафтарларга қайд этиш тўғрисида кўрсатма. Унга кўра, аввалги суюрғални кейинги берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, ҳар йили янги нишон талаб қилмай, йил бўйи ҳар турли солиқ солмай, дафтарларга қайд этилиши таъкидланади. Бундан ушбу ёрлиқнинг бунга қадар берилган ҳужжатларни қамровчи, уларнинг ўрнини боса оладиган ва ҳатто олдингиларидан ҳам юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрлиқнинг кучга кириш санаси (сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқлардан эркинлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадлардан ўзи фойдаланиш эркинлиги берилади. Ушбуни

таъминлаш учун бирор амалдор ундан мол, дон-дун талаб қилмаслиги, унга зўравонлик қилмаслиги таъкидланади. Султоннинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (*-sün* аффикси билан) берилган: *Özi alïp yesün. Heč kiši māl, tartu tilämäsün, küč uğa tegürmäsün*.

Юқоридаги буйруқнинг султон номидан битилаётгани *tep* феъли билан тасдиқланиб, якун қисми – *маърих*(*datum*)га ўтилади. Таърих *muhurluğ nišān uy yïl šavval ayïnïŋ yigirmi sekizi Andigändä bitildi* кўринишидадир. У қуйидаги уч компонентдан тузилган: ёрлиқнинг расмий даражаси (*muhurluğ nišān*); унинг битилган санаси – йил-ой-куни (*uy yïl šavval ayïnïŋ yigirmi sekizi*) ҳамда битилган ери (*Andigändä bitildi*).

Матн транскрипцияси

Қуйида П.Мелиоранский келтирган факсимили асосида [1; таблица I] ёрлиқнинг транскрипциясини келтирамиз:

(1) Sultān Umar šayx bahadur sözüm.

(2) Divānlarğa, barča (3) M(a)rğin(a)n určïnnïŋ (4) tüšämäl amaldār, sāhib čamlarïğa!

M(a)rğïn(a)n büzrügläridin Mir Sayid Ahmadğa (5) M(a)rğïn(a)n qasabasïdïn burun bir milk bağï bilä iki qošluq ekininiŋ har ne (6) divānğa čïqar har türlüg mālïnï suyurğal berilip erdi. Emdi uy yïlïda (7) riāyat qïlïp qasabadïn otuz altun tawačï tartusïnï dağï suyurğal (8) berildi. Emdi bu tarixğa berilgänni uy yïl šavval ayïnïŋ yigirmi yetisidin (9) bašlap burunğï suyurğalïnï dağï berilgän nišānï yosunï bilä musallam tutup, (10) yïlğa yaŋgi niš(ā)n tilämäyin bu niš(ā)n bilä yïl sayu heč türlüg saltïq (11) salmayïn daftarlarğa surusun. Özi alïp yesün. Heč kiši māl, (12) tartu (?) tilämäsün, küč uğa tegürmäsün tep muhurluğ ni(šā)n uy yïl (13) šavval ayïnïŋ yigirmi sekizi Andigändä bitildi.

И з о ҳ л а р:

4- қаторда: *tüšämäl amaldār* – тушум йиғувчи амалдор, темурийлар замонидаги солиқчи лавозими; *sāhib čamlarï* – солиқ идораларининг бошлиқлари.

4-5-қаторларда: *Marğïnan* – Марғилоннинг эскича аталиши; у ўша чоғларда қасаба эди.

5-қаторда: боғлар *milk* ўлчови, экин майдонлари эса *qošluq* ўлчови билан белгиланган. Матнда Мир Саид Аҳмадга бундан бурун *bir milk bağ* билан *iki qošluq ekin* дан келадиган даромадлар суюрғал қилиб берилгани таъкидланмоқда.

6, 8, 12- қаторлардаги *uy yïlï~uy yïl* туркмучал йилларининг иккинчиси - "сигир йили"дир. Қадимда *ud yïlï* дейилган, кейинчалик товуш ўзгаришига учраб *uy* га айланган (*ud>uδ>uy*).

7-қаторда: *tawačï tartusï* – товачилар томонидан йиғиладиган солиқ (?), дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромадни кўзда тутади.

Матнда ушбу ёрлиғ *nišān, muhurluğ nišān* деб аталган. *Nišān* – асл англамида "белги", ҳужжат атамаси сифатида эса "далилловчи ҳужжат; гувоҳнома" маъносини билдиради; *muhurluğ nišān* – "хоннинг муҳр-тамғаси билан тасдиқланган ҳужжат", баъзан олий даражадаги бундай ҳужжатлар *altun muhurluğ nišān* ҳам дейилган.

9-қаторда: *nišān yosun* – жуфт сўз; *yosun* – "қонун, қоида", *nišān yosun* – "қонун битилган гувоҳнома, далилловчи ҳужжат" маъносини беради.

12-қаторда: *küč uğa tegürmäsün* – "зўравонлик қилмасин; зиён-заҳмат етказмасин" деган маънони беради. Одатда, эркинлик, имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кишининг муҳофазаси ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинган ва унинг эркинлигини кафолатлаш учун "Унга ҳеч кимса зўравонлик қилмасин" (*Heč kiši küč uğa tegürmäsün*) деб ёзиб қўйилган.

13-қаторда: *Andigän* – Андижоннинг эскича аталиши; ушбу тапонимдаги *gän* – "шаҳар, кент" маъносини билдиради. *Andigän* ўша кезларда йирик, марказий шаҳар саналган. Султон Умаршайхнинг ўрдаси шу шаҳарда эди.

Матннинг мазмуни

(1) Султон Умаршайх баҳодур сўзим.

(2) Девонхоналарга, барча (3) Марғинан юртининг (4) тушим йиғувчилари, солиқ идораларининг бошлиқларига!

Марғинан бузургларидан Мир Сайид Аҳмадга (5) Марғинан қасабасидан илгари бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг ҳар не (6) девонга чиқар ҳар турли молини [яъни хазинага тўланувчи даромадни] суюрғал қилиб берилган эди. Энди сигир йилида (7) (бунга) риоят қилиб, қасабадан ўттиз олтин тавачи тартусини[яъни дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромадни?] яна суюрғал (8) қилиб берилди. Энди бу санада берилганни сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан (9) бошлаб аввалги суюрғални яна берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, (10) ҳар йили янги нишон талаб қилмай, бу нишон билан йил бўйи ҳар турли солиқ (11) солмай,

дафтарларга қайд этилсин. (Даромадларидан) ўзи фойдалансин. Ҳеч киши (ундан) мол, (12) дондун талаб қилмасин. Унга зиён-заҳмат етказмасин деб, бу муҳрли нишонни сигир йили, (13) шаввал ойининг йигирма саккизида Андиганда битилди.

Адабиётлар:

1. *Мелиоранский П.*. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха. – Записки Восточного Отделения. Т. XVI. 1904–1905. СПб., 1906. С. 01–012, таблица I.
2. *Содиқов Қ.* Эски туркий битиглар. Тошкент, 2009. 150–151- б.

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2009 йил 15 сентябрда қабул қилинган.